

*Андижон ВПКҚТМОИнинг
“Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари”
кафедраси катта ўқитувчи Қ.Т.Зулунов.*

**БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯЛАШ – ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ
ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ**

2010 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилинар экан, дарҳақиқат бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси ўз фарзандининг бахт-саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади ўзини аямайди.

Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳотида яшайди. Оилага хос анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар боланинг комил шахс бўлиб шаклланишида муҳимдир. Энг асосийси, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, хис этади. Бу бежиз эмас, албатта

Мамлакатимиз ёшлари бугун ҳаётимизнинг турли жабҳаларида шижоат билан фаолият юритишмоқдалар. Улар бугун талаба ва ўқувчи, ишчи ва шифокор, педагог ва инженер, бизнесмен ва тадбиркор. Ёшларимиз компьютер, интернет техникаси, бир нечта чет тилларини мукамал эгаллаб, ривожланган давлатларда таҳсил олиб, жаҳон майдонида чиқмоқдалар.

Конституциямизда ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилган. Конституциянинг XXIII боб, 117- моддаси (1.31.). га асосан Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. 77-моддага мувофиқ эса сайлаш куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. (1.14.) .

Демак, Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлиши учун юқори билим – малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштириш тақозо этилади. Хозирда бундан улкан вазифани шараф билан бажарадиган, замонавий ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологиялари билан қуролланган педагог кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. 1991 йил 20 ноябрда мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун давлатимизнинг ёшларга бўлган олий ғамхўрлиги ва эътиборининг юксак рамзи бўлди, десак асло муболаға бўлмайди.

Шубҳасиз, у ижтимоий адолат, инсонпарварлик, меҳир-оқибат ғояларига таяниш баробарида ёшлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи асосий тамойилларни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида олиб борилаётган ислохотлар юксак даражада кадрлар тайёрлаш, юқори малакали,

рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳамда йирик ижтимоий-педагогик лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилган.

Миллий ғоя тамойиллари – ёшларни тарбиялаб бориш, уларнинг маънавиятини, тафаккурини шакллантириш асосидир. Миллий ғоя миллатнинг ижтимоий-маънавий, мафкуравий жиҳатдан ривожланиб боришига туртки бўлади.

Миллий ғоянинг узвий таркибий қсmlарини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган, маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат (2.75.) .

Давр талаби билан юзага чиққан муайян вазифалар, қонун-қоидалар давр ўтиши билан ўз ўрнини бошқаларга бўшатиб беради.

Мафкуравий кураш кучайган ҳозирги даврда ёшлар онги ва қалбида Ватанга, бой тарихимизга, муқаддас динимизга бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширишга эришишга, ёшлар қалбида, тафаккурида ғоявий иммунитетни шакллантиришимиз зарур.

Ёшлар маънавиятида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, энг аввало, улар онгига бир хил ғояни зўр бериб тикиштириш эмас, балки одамларда оқни қорадан, яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан, дўстни душмандан, ажратишни фарқлай олишни, зарарли бузғунчи ва ахлоқсизликка асосланган ғояларга қарши хушёр ва огох бўлишга ўргатмоғимиз лозим.

Ўзбекистон ёшлар мамлакатидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда давлатимиз келажаги, миллат тараққиётти бугунги ёшларнинг билимига, онглилик даражасига, савиясига, дунёқарашига, ватанпарварлик туйғусининг қанчалик даражада шаклланишига, комиллик даражасига боғлиқ. Келажагимиз эркин фикрлайдиган, мустақил иш юрита оладиган, чет тилларидан яхши хабардор, юқори технологик тафаккурга эга бўлган, Ватан ва халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўя оладиган, керак бўлса, Ватан учун жонини фидо қила оладиган ёшларни талаб этади.

Миллий ўзликни англашни бутун олам инсонпарварлик ғоя ва маданиятни, умуминсоний қадриятлар, кўп миллатли халқимиз анъаналаридан айри ҳолда тиклаб бўлмайди.

Президентимиз Ислom Каримов такидлаганидек, “Маҳалла”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Улуғбек”, “Истеъдод” жамғармаларининг таълим-тарбия соҳасидаги эзгу ишларини ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшаётган хиссаларини алоҳида айтиб ўтмоқ жоиз (3.12.) .

Ҳар қандай жамиятнинг келажаги, унинг ривожланиши ва фаровонлиги ёшларга боғлиқдир.

Ёшларнинг иқтидори ва билимга чанқоқлиги маънавиятга эришишда ва ривожланишдан бошланади.

Албатта, уларга ёндашув анъанавий тарбия услуби ҳисобланган оммавий табдирлар, масалан, саёхатлар, маданият ёдгорликлари, музейлар, театрлар, кўргазмалар, машхур алломалар билан учрашувлар ўтказиш мақсадларидан муайян ва аниқ мақсадларни шакллантиришга ривожлантирувчи мақсадларга ёшларда маънавий, маърифий, ҳуқуқий, умуминсоний, кадриятларга бўлган садоқатини ривожлантиради.

Энг юксак миллий кадриятлар ва сифатларни тарбиялаш, умуминсоний кадриятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш, касб эгаллашга, шахсий масъулиятини юқори малакали бўлишига ва касбий маҳоратга интилишни, тарбиялаш, меҳнат фаолиятига ва доимий равишда малакани ўстириб боришга ундовчи сифатларни тарбиялаш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, ота-она ва қондош-қариндошлар, оила олдида масъулият ва жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салаҳияти ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиш мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Бугунги кунда баркамол авлодни замонавий руҳда тарбиялаш технологияси ҳар тамонлама ёндашувни амалга оширади ва қуйидаги талабларга риоя қилади:

1. Тарбия жараёнида иштирок этувчи ёшлар барча восита табдирларнинг мувофиқлаштирилишига эришади.
2. Тарбияланувчиларга ўз йўналиши бўйича таъсир этилади-тафаккурига, сезгиларига ва ҳулқига.
3. Миллий ғоя ёшлар маънавиятининг юксалиб боришида муҳим омил бўлади.
4. Тарбия ва унинг узвийлиги туфайли ижобий натижаларга эришилади.
5. Ёшлар маънавиятининг юксалиб боришини жуда кўп қирралари, жихатлари бўлиб, булар: ғоявий, мафкуравий, маданий, диний ва ахлоқий кабилардир.
6. Ёшлар чет тилларини ўрганиши, билим олишида замонавий технологияларни эгаллашда ва миллат тараққиётида ўта муҳим рўл ўйнайди. Тарбияга ҳар тамонлама яхлит ёндашувда юқоридаги омиллар ва шароитлар узвийлашган ҳолда инобатга олиниши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т : “Ўзбекистон”, 2009 й
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т: “Маънавият”, 2008 й
3. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш- мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti ” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2012 й 18 февраль № 35